

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Сўнги кўнғироқ

25 май куни мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда "Илмни қадрланг, илмга интилинг!" шиори остида "Сўнги кўнғироқ" тадбирлари бўлиб ўтди.

Маълумки, шу куни битирувчи ёшлар катта ҳаёт режаларини амалга ошириш ниятида мактабни тарк этишади. Бу босқични босиб ўтганлар эса сўнги кўнғироқ жаранг сочганда, қалбани энтикади ва битирувчи ёшларга ҳавас билан ўз тилаklarини билдиришади.

Мустақил ҳаётга илк қадам



Бундай ҳаяжонли тадбирлар вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларида ҳам кутаринки кайфиятда ўтказилди.

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бир гуруҳ масъуллар, нурунийлар, ота-оналар ҳамроҳлигида Нурафшон

шаҳридаги 13-умумтаълим мактабидаги "Сўнги кўнғироқ" тадбирида қатнашди.

Маросимда вилоят ҳокими Президентимизнинг битирувчиларга йўллаган табригини тантанали равишда ўқиб эшиттирди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶



Маълумотларга кўра, Тошкент вилоятида жами 911 та таълим муассасаси, жумладан, 887 та (шундан 14 таси махсус) мактаб, 22 та "Баркамол авлод" болалар мактаби фаолият юрताди. Жорий ўқув йилида ҳудуддаги 887 та умумтаълим мактабларининг 11-синфини 28 минг 581 нафар, 9-синфини 47 минг 377 нафар ўқувчи битирди.



Илмни қадрланг,
илмга интилинг!

АНИҚ МАҚСАД САРИ ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Вилоятимизнинг 462 нафар битирувчиси хорижда ўқийди



Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда ўз келажигига бепарқ бўлмаган ёшларнинг хориждаги нуфузли университетларда ўқишга қизиқиши ортапти. Худудлар кесимида таҳлил

қилинганда, энг кўп Ангрен, Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари ҳамда Янгийул, Қибрай, Зангиота, Бўстонлик туманлари ёшлари хорижда таҳсил олиш учун ҳужжат топширишган.

Эътиборлиси, 471 нафар ўқувчи муддатидан олдин талаба бўлди, улардан 462 нафари хорижнинг энг нуфузли олийгоҳларига қабул қилинди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

Танлов



Мирзо
Улуғбек
вориси

Пискент туманининг "Чим-кўрган" маҳалласидаги 21-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Саидомил Саидақбаров истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ҳамда Олий таълим, жамғарма ва инновациялар вазирлиги фан ва инновациялар ташкил этилган "Мирзомонидан ташкил этилган "Мирзо Улуғбек ворислари" республика кўрик-танловида ғолиб бўлди. Саидомил 6 миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Яхши хабарлар

Осиё тараққиёт банки 2023-2024 йилларда Тошкент вилоятида 12 та ва Янгиҳаёт тумани (Тошкент ш.)да 1 та – жами 13 та умумтаълим мактабини давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қуриб беради.

2023 йил 1 сентябргача Ангрен, Оҳангарон, Янгийул, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарларида "Рақамли ҳукумат" ва "Рақамли ҳудуд" дастурлари амалга оширилади.

Округ комиссиясида

Қўшимча 11 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни комиссия раиси Улуғбек Тўхтаев бошқарди. Кун тартибига мувофиқ, бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Округ ҳудудида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича навбатдаги иш режалари белгиланди. Йиғилишда сайлов участкаларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодексининг 5-моддасига асосан ҳудуддаги жазони ижро этиш муассасаларидаги шахсларнинг ҳам сайлов ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қўшимча 11 та сайлов участкаси ташкил этилди. Шунга асосан, Тошкент вилояти бўйича жами 968 та сайлов участкаси тасдиқланди.

Йиғилишда округ сайлов комиссияси аъзоларига Марказий сайлов комиссиясининг гувоҳномалари топширилди.

10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси матбуот маркази

Кучли фуқаролик жамияти сари

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: БАРЧАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Яқинда барчамиз мамлакатимиз келажиги учун муҳим бўлган сиёсий жараёнда иштирок этдик. Яъни, жорий йил 30 апрелда янгилашган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси учун овоз бердик. Бу, албатта, халқимиз манфаати ва келажиги учун энг муҳим қадам бўлди.

Маълумки, ҳеч бир нарса замон ва макон чиғирикларидан ўтмагунча мукамал бўлмайди, тақомилига етмайди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам бугунги кун ва ривожланган давр талабига кўра янгилаш ва тўлдирлишни тақозо этди. Янги Конституцияда барча соҳа ва тизим, жумладан, давлат ва жамият

бошқаруви муносабатларидаги талаб ва меъёрларга ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси тўғрисидаги моддани олиб қўрайлик. Унга кўра, мазкур бошқарув тизимини иқтисодий, ижтимоий, солиқ ва бюджет сиёсатини амалга оширади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Етмиш учинчи йилнинг АЪЛОЧИЛАРИ



Шукуҳ


1973 йил, май... Паркент тумани. Ҳамид Олимжон номидаги 1-мактаб. Оддий синф хонаси.

Мақтаб охирида қолганигами, битирувчи синф ўқувчилари бир-бирларига айниқса меҳрибон бўлиб қолишган, ўсмирлик шўхликлари ўрнини мустақил ҳаёт остонасидаги ўйчан ва вазмин туйғулар эгаллаган. Йигит-қизлар танаффус чоғларида бир-бирларига келажак орзулари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Шу тобда Эргаш Сайид-аҳмедов югуриб келиб, география ўқитувчиси Маҳмуд ака Солиҳов синф хонаси томон келаётганини айтади. Бу ўқитувчидан кўпчилик ўқувчилар ростман хайқишади. Биров дарсда ортиқча бир ҳаракат қилса ё дарсга халал берса борми, география ўқитувчисининг қўлидаги "указка" сафарбар этилиши ҳеч гапмас. Унга кўзи тушиши билан ҳамма ўзига келиб қоларди. Чунки "муаллимнинг "указка"си чиндан ҳам зўр эди: илон териси-

дек ола-чипор, сип-силлик, ғаройиб нақшлари қорамтир тусда жилланиб турарди. У харитадаги олис мамлакатлар, номаълум тоғ ва денгизларни кўрсатиш воситасидан кўра кўпроқ интизомсиз болаларни тартибга чақиришнинг самарали қуроли..." эди.

4



Жараён

"Аёллар дафтари": ЎРГАНИШ, ТАҲЛИЛ, НАТИЖА



Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилада ҳамда жамиятда дуч келаётган муаммоларини бар-тароф этиш, бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси. Бу борада жойларда шакллантирилган "Темир", "Аёллар" ва "Ёшлар дафтари"лари кўл кел-моқда.



сага ялпиз, мотор қўшсақ, бошқа фаслларда исма-лоқдан тайёрлаймиз. Мақтаняпти демангу, сомса-сиз жуда мазали. Атай-лаб пойтахт ва бошқа вилоятлардан келишади. Ҳар кун 15 нафар аёл 7 та тан-дирда сомса ёпишади. Ишимиз эрта тондан кечгача давом этади. Шунинг учун 30 та аёл кунора ўрин алмашиб ишлашади.

Дилфуза опа айтганларича бор экан. Сомса ёпиш жараёнини ку-зата туриб, Хоразм ва Бухородан келган хўрандаларни учратдик.

– Ҳар сафар Тошкентга кетаёт-ганимда шу ердан сомса оламан, – дейди хоразмлик аёл. – Тўғри, сомсанинг кўриниши оддий, лекин таъми бошқача.

Туманинг "Булоқбоши" маҳал-ласи майизлари билан машур. Маҳалланинг 40 га яқин хонадо-нида майиз тайёрлана, қолганла-рида аёллар кўрпа-тўшак, юшмоқ ўйинчоқлар тикишади.

Айтишларича, маҳаллада 4 та лидер майизчи бор экан, қолган хонадонлар улардан олиб тайёр-лашар экан. Зиёда Тўрабоева ана шундай лидер тadbirkорлардан.

– Хонадонимизда 4 нафар иш-чимиз бор, – дейди З. Тўрабое-ва. – 10 га яқин хонадонга майиз

– Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Аёллар дафтари" бошқа ҳеч бир мамла-катда учрамайдиган ноёб тизим бўлиб, бу орқали хотин-қизлар-нинг кўплаб муаммолари ҳал этилмоқда, – дейди Паркент ту-мани ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М. Иноятова. – Шунингдек, ҳу-дудларда олиб борилаётган ўр-ганишлар натижасида дафтар ой сайин янгилашиб туради.

Жумладан, туман буйича "Аёл-лар дафтари"нинг 4-босқичига 3 минг 868 нафар хотин-қиз 6 тои-фа буйича киритилган, шундан 1 минг 314 нафарининг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қи-лиш истагида бўлган 78 нафар хотин-қиз аввал ўқитилиб, сўнгра кредит берилди. Аммо масала шу

билан ҳал бўлди, дегани эмас. Улар-нинг кейинги фао-лиятлари ҳам мо-ниторинг қилиниб, амалий ёрдамлар кўрсатиб борил-моқда. Шунингдек, боқувчиси йўқ 200 нафар ҳамда 1-2-гурӯх ногирон-лиги бўлган 336 нафар хотин-қиз-га бир марталик моддий ёрдам, 253 нафар хотин-қизга тиббий, 319 нафарига ҳуқуқий, 65 нафарига психологик ёрдам кўр-сатилди.

"Соғ" маҳалласида яшовчи Дилфуза Дадаева ишбилармон аёллардан. Унинг соғ ёқасидаги



мўъжазгина тамаддиҳонаси йил буйи хўрандалар билан гавжум.

– 12 йилдан бери шу иш билан шуғулланамиз, – дейди Дилфуза опа. – Ҳозирда кунига 2 мингта-гача сомса ёпамиз. Баҳорда сом-

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: БАРЧАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Аҳолини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қи-лиш, табиий бойликлар ва биологик хилма-хил-ликни сақлаш, климат ўзгариши, эпидемиялар, пандемияларга қарши курашиш ҳамда улар-нинг оқибатларини юмшатиш соҳаларида яно-на давлат сиёсатини амалга оширади. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди, оилани қўллаб-қувватлаш, мус-таҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий ои-лавий қадриятларни сақлаш буйича чоралар кўради. Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш буйича чора-тадбирлар-ни амалга оширади. Юқоридаги мақсад ва ва-зифалардан келиб чиққан қонун ва қарорлар, фармон ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси-ни таъминлайди.

Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органла-ри ишини мувофиқлаштирилади ва йўналтирилади, уларнинг фаолияти устидан назоратда белги-ланган тартибда назоратни амалга оширади. Очиқлик, шаффофлик, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, коррупция ҳолатла-рига қарши курашиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш буйича чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нор-малар доирасида ва қонунийликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида-ги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаро-лар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республи-каси Президенти олдида жавобгар ҳисоблана-ди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мазкур бошқарув тузилмаси фаолиятида сўнги йил-ларда инсоният бошидан ўтказган турли си-новларни енгиб ўтиш буйича ҳам вазифалар акс этганини кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, Янги Конституциями-зда халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, юр-тимиз тараққиёти учун зарур вазифа ва мажбу-риятлар акс этган. Эндиликда унга амал қилиб яшаш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни тўла англаган ҳолда жамиятимиздаги ислохотлар-да қатнашиш ҳар биримизнинг вазифамизга айланди.

Сирожиiddин МУҲИДДИНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Меҳнат ярмаркаси

128 НАФАР ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги ҳамда туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан маҳаллалардаги даф-тарларда, шунингдек, ҳарбий хизматдан қайтган, пробация ҳисобига туриб жазо муддатини ўтаёт-ган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақса-дида "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" таш-кил этилди.



Ярмаркада туман ҳудудидаги 336 та корхона, фермер хўжалиқлари ва тadbirkорлик субъект-лари 3 минг 192 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари билан қатнашди.

Шу куннинг ўзида 128 нафар фуқаронинг банд-лиги таъминланди, шартномалар тузилди. 10 на-фарига касб-хунарга ўқитиш учун йўлланмалар берилди.

Шунингдек, турли соҳа мутахассислари то-монидан тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олиш, ишга жойлашиш вақтида норматив ҳужжат-ларни расмийлаштириш, битирувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, иш ҳақи, меҳнат таътиллари буйича тўлиқ маълумотлар берилди.

Хабарингиз борми

2023 йил 1 июндан янги туғилган чақалоқлар-га туғруқхонанинг ўзидаёқ туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ўрнига QR-кодли сертификатлар бе-рилади.

Ушбу маълумотнома: – гербли гувоҳномага тенглаштирилади; – давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш тақиқланади. Агар гувоҳноманинг ўзи керак бўлиб қолса, фуқаро-лар исталган вақтда мурожаат қилишса, фуқаро-лик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари бўлимлари томонидан расмийлаштириб берилди.

Боғчаларга малакали тарбиячиларни жалб қи-лиш учун 2024 йил 1 июндан уларнинг иш ҳақи ставкалари мактаб ўқитувчилариникига тен-глаштирилади. Умумтаълим мактабларига бюджетдан ташқари маблағлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи берилган уларнинг моддий аҳолини яхшилаш ҳамда ўқи-тувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Энди бу тартибни боғча ва ихтисослашган мактаб-лар учун ҳам қўллаш мўлжалланмоқда.

Сўраган эдингиз

– Иш ҳақидан курсларга тўлов қи-линса, солиқ олинадими?

Абдулла ХОТАМОВ
Ўрта Чирчиқ тумани

Саволга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Хуршид ПИРНАЗАРОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси-га асосан, солиқ тўловчининг солиқ даври давоми-да қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодав-лат таълим ташкилотларига (курсни тугатганлик тўғрисида шундай ташкилотлар томонидан берил-ган ҳужжат мавжуд бўлганда) тўлаш учун йўналти-риладиган, БҲМнинг 8 бараваригача (2 млн. 640 миң сумгача) бўлган миқдордаги иш ҳақи сумма-лари ва бошқа даромадлари солиққа тортилмайди.

– Ходим ишдан четлаштирилган даврда унга иш ҳақи ҳисобланадими?

Темур ҲАМИДОВ
Чиноз тумани

Саволга Тошкент давлат юридик университет-и Юридик клиникаси ходими Мухрид-дин ШАМСИДДИНОВ жавоб беради.

– Йўқ, ҳисобланмайди. Фақат айрим мустасно ҳолатлар мавжуд. МҚнинг 152-моддасига мувофиқ ишдан четлаштириш даврида ходимга иш ҳақи ҳисобланмайди, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўз айбисиз меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ўқувдан ҳамда билим ва кўникмалари текширувдан ўтмаган ёки мажбурий тиббий кўриқдан ўтмаган ходим ишдан четлаштирилган ҳолларда ёхуд агар ходимга иш бевуричи томонидан шахсий ва (ёки) жа-мовий ҳимоя воситалари берилмаган, шунингдек, агар ходим иш бевуричи томонидан унга нисбатан хизмат текшируви ўтказилиши муносабати билан ишдан четлаштирилган бўлса, ишдан четлашти-рилган давр учун ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Кун тасвири

ЎЗБЕКИСТОН

"Аграр соҳа аёллари" уюшмаси ташаббуси ҳамда "Verodir" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори Меҳмет Яша-син ҳомийлигида вилоятимиздан 12 нафар аёл Туркия давлатининг Анта-лия шаҳрида томорқачилик йўнали-шида малака оширмоқда.



ВИЛОЯТда

жорий йил бошидан буён Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ташаб-буси билан 100 дан ортқ меҳнат яр-маркалари ташкил этилди. Уларда 1 миңг 252 та корхона ва ташкилот-лар 19 миңдан зиёд иш ўринлари билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган 4 миңг 498 нафар фуқаронинг 1,5 миңг нафарга яқини билан меҳнат шартномалари тузилди.



ЧИНОЗ туманининг

"Бирлик" маҳалласилик ижтимоий ҳимояга муҳтож Азизбек Арипов онаси ва акиси билан ҳеч қандай шароити бўлмаган бир хонали уйда яшаб кел-лаётгани аниқланди.

Оиланинг туман ҳокимлигига қил-ган мурожаати ўрганилиб, Азизбек ва унинг яқинлари учун 4 хонали уй қуриб бериладиган бўлди.



ОЛМАЛИҚ шаҳридаги

"Elegant garments" МЧЖ қошида "Амалиёт мо-номаркази" фаолияти йўлга қўйилди. Мономарказда ишсиз аёллар билан амалий ва назарий машғулотлар олиб борилиб, малакали мутахассис-лар тайёрланади. Келгусида улар шу корхонага ишга қабул қилинади.



ҚИБРАЙ туманидаги

"Дўрмон" ижод боғида Оила ва хотин-қизлар бошқармаси туман ҳокимли-ги билан ҳамкорликда "Қизлар – миллат келажаги" номли маданий-маърифий тadbир ўтказди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зухра Мирғазиева иштирок этди.

Тadbирда турли соҳаларда муваффақиятга эри-шиб келаётган 200 га яқин қизга эсдалик совғалари топширилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманидаги

Тошкент денгизида "Ёшлар сайил-гоҳи" ташкил қилинди. Сайилгоҳ-нинг очилиши муносабати билан вилоят филармонияси ҳамда эл суйган санъаткорлар иштироки-да концерт дастурлари, қизқарик беллашувлар, интеллектуал ўйин-лар, хунарамандчилик кўргазмалари ташкил этилди.





Тадбирда туман ҳокими Шохрух Шоаҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир, кекса муаллим Раҳимберди Серкибоев, собиқ битирувчилардан Акмал Турсунов, Мансур Тўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, инсон камолотида мактаб таълими, устозлар ўғити, болалик, ўсмирликнинг ёрқин хотиралари бекиёс ўрин тутишини таъкидлаб, мактаб йиллари билан боғлиқ ўчмас хотираларни ёдга олишти.

Мактаб ўқувчилари томонидан

қайтгандек бўлди: бугун ўзлари ҳам айни комиллик фаслига етган собиқ ўқувчиларга ҳозирда қариллик гаши-ни сураётган 82 ёшли фахрий педагог Орипа Қўчқорова яна бир бор "дарс ўтди".

– Бу энг аълочи, меҳр-оқибатли, билимга чанқоқ, жамоат ишларида фаол синфларимиздан эди, ҳамма-ҳаммаларининг болалик нигоҳлари шундоқ кўз ўнгимда турибди, – деди онахон мижджалоари намланиб. – Мактабимиз ўша

шукри, ҳозир ҳам ана шу аълана бардавом. Ўқувчиларимизнинг фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида қозонаётган галабаларини эшитиб, ҳозир ҳам қувонамиз. Бунда мактабга кўп йиллардан бери самарали раҳбарлик қилиб келаётган фидойи мураббий Тоҳир Абдуғафоровнинг тажрибаси, хизматлари катта.

Собиқ битирувчилар ҳозир ҳаёт бўлган устозларига шоғирдлик эҳтироми ва миннатдорлик рамзи сифа-

Ётмиш учинчи йилнинг АЪЛОЧИЛАРИ

Сув куйгандек сокин синф хонасида навбатдаги дарс бошланади. Икки-уч кундан кейин мактаб директори Умарали ака Қурбонов "Сўнги кўнгирак"да мактабни 25-март битираётган шоғирдларнинг етуклик шаҳодатномасидаги якуний йиллик баҳоларни эълон қилди. Устознинг сўзларини ўқувчилар ҳаяжонланиб, диққат билан эшитишади:

– Хў-ўш, Тўлаев – 5, Ҳасанов – 5, Исломов – 5, Ортиқова – 5, Султонов – 5, Турсунов – 5...

Шунақа. Эллик йил аввал ҳам бу мактаб битирувчиларининг орасида аълочилар кўп эди. Ярим асрдирки, бу собиқ битирувчилар ҳаёт сабоқлари ва имтиҳонларидан ҳам яхши ва аъло баҳолар олишга интилади...

2023 йил 25 май. Паркент туманидаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби. "Сўнги кўнгирак" тадбири.

Тадбирда иштирок этган таълим масъуллари, устоз ва мураббийлар, ота-оналар мактабнинг бу йилги 51 нафар битирувчисига оқ йўл тилашди. Уларга Президентимиз йўллаган табрик тантанали вазиятда ўқиб эшиттирилди.

"Сўнги кўнгирак" чалинишидан аввал мактаб ўқувчилари, қишлоқ фаоллари иштирокида "Уч авлод учрашуви" бўлди. Унда юқорида тилга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

олганимиз, худди шу мактабни 1973 йилда тамомлаган 40 дан ортиқ собиқ ўқувчилар қадрдон мактабларига келиб, мухтарам устозлари, дўст-биродарлари билан дийдор кўриштиди.

Собиқ битирувчилар орасида моҳир педагог ва шифокорлар, маданият ва санъат намояндалари, агроном ва фермерлар, инженерлар, шунингдек, бошқа турли соҳаларнинг ходим ва мутахассислари бор. Эътиборлиси, худди шу мактабнинг эллик йил аввалги битирувчилари сафида элимиз севган адиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султон ҳам бор.

– Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида, аввало, ота-онаси ундан сўнг эса устозларининг ўрни бекиёсдир. – деди анжуманда сўзга чиққан таниқли ёзувчи. – Келаси йили ташкил этилганига 100 йил тўладиган қадрдон мактабимиз билан боғлиқ самимий хотираларимиз кўп. Бундан эллик йил аввал худди мана шу кун шу мактабни биз ҳам сизлар каби кўзда ёш билан тарк этган эдик. Бугун сизлар ҳам катта ҳаётга қадам қўймоқдасиз. Келгусида устозларингиз берган билимларни оқлаб, танлаган соҳангизнинг етук мутахассиси бўлишингизга тилақдошман. Ҳаёт муттасил ўқиб, ўрганишдан иборатдир. Ҳамиша китобга, билимга ошно бўлинг. Биз ҳам ҳаётда нимагаки эришган бўлсак, бунга фақат ва фақат китоб, мутолаа, меҳнат ва илганиш туфайли муяссар бўлдик.

тайёрланган адабий-бадиий дастур, ёшлик шижоати, кексалик шўқронаси каби туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Собиқ синфдошлар ўзлари ўқиган синф хонасига кириб, қадрдон парталарига ўтиришти. Худди мўъжиза юз бериб, вақт бир лаҳза ортга

кезларда ҳам туманимизнинг энг пешқадам таълим ўчоқларидан бири эди. Ўтган йиллар давомида бу кўтлуг даргоҳдан қанча-қанча илм-фан намояндалари, адабиёт, маданият, тиббиёт ва тадбиркорлик, спорт соҳаси дарғалари, турли йўналишдаги ўз касбининг чинакам усталари етишиб чиқишти. Минг

тида совға-саломлар улашишти, мактаб кутубхонасига янги китоб ва альбомлар тортиқ этишти.

Кўнгирак чалинди...

Ўткир ҲОШИМОВ
Тошкент ҳақиқати/
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Мустақил ҳаётга ИЛК ҚАДАМ

Тадбирда сўз олганлар катта ҳаёт оstonасида турган ўғил-қизларни табриклаб, уларга омад тилашди. Битирувчилар ҳам ҳаяжонларини яширишади.

– 11 йил давомида устозларимдан олган билимларим сабабли муддатидан аввал талаба бўлдим, – дейди битирувчи Холида Ғулова. – Бунинг учун улардан миннатдорман. Келажақда молия ва банк соҳасида таълимни давом эттирмақчиман. Албатта, қадрдон мактабимиз билан хайрлашиш оғир. Аммо бизни олдинда саргузаштларга бой, қизқарли ҳаёт кутмоқда. Барча тенгдошларимга мақсадлари сари интилишдан тўхтаманглар, дейман.

Жорий йил мазкур мактабнинг 20 нафар битирувчиси мустақил ҳаётга қадам қўйди. Уларнинг 3 нафари муддатидан аввал талаба бўлди, 2 нафари эса мактабни кумуш медал билан тамомлади.

Тантанали тадбирда бир гуруҳ аълочи битирувчилар ва намунали ота-оналар рағбатлантирилди.

Сўнги кўнгирак тадбирлари вилоятдаги барча мактабларда юқори савияда ташкил этилди.



Соғинч

Чорласа – оққушдай тизилиб келган,
Жонга ришталарим, кўзу-қошларим.
Эзгулик ғамида юзуриб-елган
Бағри осмонларим – синфдошларим!

Бормисиз? Соғинчлар чалди кўнгирак-
Буеун дилнинг гали, дийдорнинг гали.
Нима бўпти сочага тушган бўлса оқ-
Кўнгилик ўн саккиздан ўтмаган ҳали...

Умр ўлчовлидир, умр ғанимат,
Измимизда эмас бир соат, бир он.
Шошилмасми эдик босмас ғафлат-
Бахтни қанон топдик, йўқотдик қанон?!

Баъзан жуда бандимиз... иш, юрт ташевиши...
Не кам бор- тўлдириб ташлайдигандек.
Дўстдан хабар олмоқ эртанинг иши-
Гўё яна мине йил яшайдигандек...

Ғунчалар гул бўлиб очилмас гоҳи,
Турналар сафи ҳам бут эмас доим.

Қизилгул... сабрнинг ердаги моҳи-
Хурларга қўшилиб кетган беғойим...

Қисмат бирда қулса, бирда ғамбод-
Синик кўзасидан ўт томар чак-чак.
Юрса, сизмасми шу кенг дунёда,
Гулчехра – биз асрай олмаган чечак...

Орзулар қилардик: "Бизнинг синфдан
Кўп машқурлар чиқар, эл қолар қойил".
Ўлмас зўр хофиз бўларди чиндан
Юртин ҳаммадан кўп севган Исройил!

Жасоратга ўчдир ёшлик олами,
Миннат нелигини билмасдик ҳали.
Қўтқариб, дарёга чўккан болани-
Бировга айтмади мард Абдували!

Бағримиз бут эди, яхшийдим бори,
Энди соғиняпмиз меҳр илиниб.

Мўъмингина Хусни, Жўра – тўпори...
Ўрни ҳалигача турар билиниб...

Ўн битта қиз эдик... нурга интилган,
Орзулари ёруғ, бахтдан кўнгли тўқ.
Ногоҳ гап отса ким – дўппослаб келган
Синфимиз гурури – Фурқат энди йўқ...

Кимки тирик экан – синовда умри,
Ким дунё ғамиди, ким дуо излар.
Улғайиш ким учун улғулик сири,
Кимгадир йўл бўлар залворли излар...

Устоз Мўмин Мутал айтарди бот-бот:
"Шеър-ҳикмат гаёҳари, тўрт мисра билинг.
Сўз ила ночоғра бағишлане қанот,
Мудом оқибатда оқибат қилинг!"

Тўрт эмас, юз мисра шеърни ёд билдик,
Тингладик дардманднинг нолаларини.

Аниқ мақсад сари интилган ёшлар

дан олдин талаба бўлди, – дейди Бекобод туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Эркин Шомирзаев. – Масалан, Бекобод туманидаги 6-мактаб битирувчиси Шаҳзода Акбаралиева инглиз тилидан 7,5 балл тўплаб, С1 сертификатини олган. У ижтимоий тармоқдаги "Бир ҳафтада бир китоб" лойиҳаси муаллифи ҳам. Шаҳзода ҳам хориж университетига талабаси бўлди.

Шунингдек, Паркент туманидаги 5- ва 1-ИДУМнинг 11-синф ўқувчилари Ҳуснора Илҳомбердиева, Бехрузбек Орифбоев ҳамда 39-умумтаълим мактабнинг 11-синф

ўқувчиси Зебо Мухсомовалар муддатидан олдин Британия Менежмент университетига қабул қилиништи.

– Мақсадим етук мутахассис бўлиш, – дейди Ангрэн шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси Зафар Қўчқоралиев. – Шунинг учун мактаб даврида вақтинми бехуда сарфламай, кўп ўқидим, қўшимча дарсларга қатнадим. Натижада дунёдаги энг нуфузли университетларидан бири – АҚШнинг "Arizona State University"га ўқишга кирдим.

Дарҳақиқат, бугунги ёшлар ҳар соҳада илғор. Улар яхши билим олиб, орзуларини рўёбга чиқаришга интилишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатларини фақат қўллаб-қувватлаш керак. Зеро, келажақ ёшлар қўлида.

Нигора УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар

Ҳаёт дарси

Вақт топсақ дўст қабрин зиёрат қилдик,
Аммо... йўқламадик болаларини!..

Демак, ҳали гўрмиз, туғамабди дарс,
Ҳали мудоалар бўлмабди адо.
Устозлар олдида узилмабди қарз,
Бир ишимиз савоб, бириси хато...

Аён, машаққатсиз ўтилмас доvon,
Тақдир сийлағайдир ниятга қараб.
Шўқр, ичимиздан чиқмади ёмон,
Юрибмиз юртнинг бир қорига яраб...

Дийдорлар бор жойда хотира тирик,
Ҳақдан дийдор тилане, ҳидоят қутинге.
Улеурине – фурсат кам, вақт юзурик-
Қўлингиздан тутдим, қўлмдан тутинге!

Умр – йўл, дуч келар минг турфа одам,
Аммо сиз бошқасиз дўст-сирдошларим.
Қаерда бўлса ҳам, ҳар не бўлса ҳам
Сафда омон бўлинг, синфдошларим!

Зарифа ЭРАЛИЕВА

TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Shavkatjon RAHIMOV
- Tohir ARIPOV
- Ravshan RAIMOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Erali NORBEKOV

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 00.00
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-531.

7 769 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 ta boq. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,
Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter makzazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
123456